


ШАРҚ МАШЪАЛИ



2013/ 2



Илмий-назарий, адабий, маънавий-
маърифий журнал.

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик
институтини,
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0055 16 январь 2007 й.)

Бош муҳаррир:

А.МАННОНОВ

Таҳрир хайъати:

Б. АБДУҲАЛИМОВ

Р. АБДУЛЛАЕВ

С. ҲАСАНОВ

Т. МУХТОРОВ

А. ҚУРОНБЕКОВ

Қ. СОДИҚОВ

О. ШОМАТОВ

М. АКБАРОВА

М. ИСҲОҚОВ

Д. ПЎЛАТОВА

У. ИДИРОВ

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ

(масъул котиб)

Г. РИҲСИЕВА

(бош муҳаррир ўринбосари)

Нашрга тайёрловчилар:

Д. АРИФЖАНОВА

М. ЗАРИФОВ

С.СОТИБОЛДИЕВА

Журнал оригинал-макет асосида
босилди.

Шарқ машъали, 2013 йил 2-сон

e-mail: sharq_ilmiy@inbox.uz

Веб сайт: www.tashgiv.uz

Босишга рухсат этилди 18.12.2013
Бичими 84x108 1/16 Шартли б.т. 3.75
100 нусхада босилди. Буюртма № 22
Баҳоси келишилган нархда.
Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик
институтини, 2013.

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқланиши мумкин.

ШАРҚ МАШЪАЛИ

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА №2 (44) 2013 йил

*Тил, адабиёт
ва санъат*

<i>Ходжаева Т.</i> “Янги ҳикоя” ва унинг замонавий шакллари2
<i>Ходжаева Р.</i> Мамлуклар даври адабиётида туркий сиймолар7
<i>Ғаниева С.</i> Шайх Абу Саъид Абулхайрнинг “Ҳавроия” рубоийсига ёзилган шарҳлар ҳақида.....14
<i>Абдураҳмонова М.</i> Мирзо Ғолиб урду девонининг нусхалари17
<i>Ҳамидов Х.</i> “Тирилиш”нинг ўзбек ва турк тилларида “қайта тирилиши”.....21
<i>Сайдазимова У.</i> XX аср ўрталарида Кореядаги тарихий ва адабий жараёнлар.....27
<i>Мажидова С.</i> Жомий ғазалиётида “Тул”нинг мажозий талқини.....31
<i>Тожибоева О.</i> Мир Маҳдумнинг ноширлик фаолияти.....35
<i>Расулова С.</i> “Қалдирғоч” қиссасида ижодкор шахс образи41
<i>Қорабоев С.</i> Амир Ҳамза Шинворийнинг бир ғазали ҳақида.....45

*Мумтоз
манбалар*

<i>Эшмуҳамедова М.</i> Ризоуддин бин Фаҳриддиннинг “Машҳур хотунлар” асарида араб муғанниялари50
<i>Расулов Н.</i> “Амали Солиҳ” қандай манба?.....52

Хотира

<i>Абдураҳмонов Г.</i> Мурувватли, саҳоватли билимдон олим.....55

Илмий ҳаёт

“Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги” илмий анжумани57
--

“ҚАЛДИРҒОЧ” ҚИССАСИДА ИЖОДКОР ШАХС ОБРАЗИ

Сарвиноз РАСУЛОВА

катта илмий ходим изланувчи, ЎзМУ

Бу мақолада асарларда ижодкор шахс образи, унинг яратилиши, асарда тутган ўрни Тоҳир Маликнинг “Қалдирғоч” асари мисолида таҳлил қилинади. Асарда бош қаҳрамон Абдулла Авлонийнинг дипломат сифатидаги фаолияти ёритилган. Ёзувчининг образ яратиш маҳорати ҳам текширилади.

Таянч сўз ва иборалар: Ижодкор шахс, прототип, персонаж, воқеалар ривожси, тарихий шахслар, тўқима образлар, бош қаҳрамон, дипломатик алоқа, ҳаётий факт, талқин, тадқиқ, баҳолаш, маҳорат.

В этой статье анализируется образ творческой личности, процесс ее создания, ее место в произведении на примере произведения Тахира Малика «Калдирғоч» («Ласточка»), в котором описана дипломатическая деятельность главного героя Абдуллы Авлони. Раскрывается умение писателя создать образ.

Опорные слова и выражения: Творец, личность, прототип, персонаж, развитие события, историческая персона, вымышленный образ, главный герой, дипломатическая деятельность, жизненный факт, проповедь, исследование, оценивать, высокое мастерство

This article analyses the image of creative individuality, process of its developing and its place in one's work by the example of T. Malik's poem "Swallow", in which Abdulla Avloni's diplomatic activity was described. The article shows author's ability of creating an image.

Key words and expressions: Creator, personality, prototype, character, development of a plot, historical character, fictional image, main hero, diplomatic activity, vital fact, propagation, research, to estimate, high skill.

Тоҳир Малик ижоди ўзбек адабиётига фантастик, детектив ва маърифий асарлари билан янги йўналишларни олиб кирди. У ўз устида кўп ишлашни одат қилган ижодкордир. Бу ҳақда адибнинг ўзи ёзувчи, журналист Шукур Қурбон билан қилган суҳбатда шундай дейди: “Мен нима учун детектив, яъни жиноятлар жараёни баён этилган асар ёзишга ҳаракат қиламан? “Алвидо, болалик”, “Шайтанат”, “Сўнгги ўқ”, “Мурдалар гапирмайдилар”, “Чархпалак”, “Ов” ва ниҳоят “Талваса”... Асосий сабаб, менинг асл мақсадим бошқа томонда. Мен жамиятнинг жиноятларсиз равнақ топишини орзу қиламан. Ҳеч кимнинг боласи жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳеч қайси ота-она фарзанди туғилганда “ўғлим ёки қизим ўғри бўлсин, гиёҳванд бўлсин”, деб ният қилмайди, лекин афсуски, маълум ёшга етганда айримлар жиноят кўчасига бурилиб, шайтанат оламига кириб кетганларни ўзлари ҳам билмай қолади”¹. Ёзувчи мақсади асарларида жами-

ятнинг оғрикли нуқталаридан бири – жиноят олами, яъни шайтонлар етовидаги оламнинг нақадар қабих эканини кўрсатишдир.

Адиб ҳар бир асари учун мавзу, ғоя топади ва ҳар бир асарига қаҳрамонларни ҳам ўзи танлайди. Айрим қаҳрамонларни ҳаётдан олса, айримларини ҳаёлида яратади. Ҳаётдан олинган қаҳрамонларни акс эттириш учун эса ўша шахснинг бутун ҳаёти ва уни ўраб турган муҳит, даврни ҳам синчиклаб ўрганади. Игнадан ип ўтказган каби қаҳрамоннинг ҳаёт йўлини майда икирчикирларигача таҳлил қилади. Шундагина ёзувчи яратган қаҳрамон ҳаммага сеvimли, асари эса ўқишли, яшовчан бўлади.

Тоҳир Маликнинг “Қалдирғоч” (“Савоҳил” номи билан қайта ишланган) қиссаси биографик характердаги асар саналади. Ушбу асар буюк маърифатпарвар ва зиёлилардан бири Абдулла Авлонийга бағишланади. “Қалдирғоч” қиссаси гарчи Авлонийга бағишланган бўлса-да, уни Авлоний таржимаи холи, мазкур асарни эса ҳужжатли қисса деб қабул қилиб бўлмайди. Асар прототип асо-

¹ www.adabiyot.uz

сида ёзилган. Прототип асосида асар ёзиш ўзбек адабиётида кенг тарқалган. Масалан, Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон” достонида бухоролик Зайнаб Омонова ҳаётини тасвирлаб берган. Ойбек эса “Қуёш қораймас” асарида Бектемир образини яратганда қашқадарёлик Қурбон Ўлжабоев ҳаётини асос қилиб олади. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Қалдирғоч” қиссаси ҳам юқорида келтириб ўтилган асарларнинг давомчисидир. Ёзувчи асарда бош қахрамон Асадулла Мираълам сиймосида ўзбек зиёлиларининг энг яхши фазилатларини жамлашга ҳаракат қилади.

Тоҳир Малик асарда Абдулла Авлонийнинг 1919 йилда Афғонистонга элчи бўлиб борган даврини асос қилиб олади. Асар қалдирғоч ҳақидаги ривоят билан бошланади. Асар адиб ҳаётида бўлиб ўтган айрим воқеаларни қамраб олади.

Ёзувчи асарни ҳаётий факт ва бадий тўқима асосида ёритиб беради. Хусусан, Абдулла Авлоний ҳақида биз илмий адабиётларда, дарсликларда кўп ўқиганмиз. Биз Авлонийни шоир, жадид, педагог ва маърифатпарвар сифатида яхши биламиз. Ушбу қиссада адибнинг дипломат ва таржимон бўлганлигини ҳам билишимиз мумкин.

Нафосатшунос Юрий Боров “Талқин ва баҳолаш санъати” китобида шундай дейди: “Бадий асарга ёзувчининг шахсияти муҳрланган бўлади”¹. Дарҳақиқат, ҳар қандай асарда ёзувчининг ҳаёти, ижоди, у яшаган муҳит, давр билан боғлиқ бўлган бир шингил воқеа, ҳодиса ёки бўлмаса, бир жумла гап акс этиши мумкин. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг ушбу асарида Авлонийнинг ҳаётига боғлиқ бўлган воқеалар ҳикоя қилинади.

Тоҳир Малик “Қалдирғоч” қиссасини ёзишдан олдин устоз Бегали Қосимов билан суҳбатлашиб, Авлоний ҳақида бадий асар ёзиш нияти борлигини айтади. Шундан сўнг бир неча йил эшитган ва тўплаган манбаларига таяниб, Абдулла Авлоний таваллудининг

100 йиллиги муносабати билан ушбу асарни ёзади. Адиб асарда Авлонийнинг “Афғон саёҳати” мақоласидан кенг фойдаланади. “Афғон саёҳати” кундалигида халқимиз, мамлакатимиз тарихида ғоят оғир бўлган 1919 йил воқеаларини, очлик, вайронагарчиликни самимий ва рўйирост етказиб беради.

Асар орқали биз 1919 йилда олиб борилган дипломатик муносабатлар ҳақида фикрмулоҳаза юритишимизга имконият туғилади. Асар бежиз “Қалдирғоч” деб номланмаган, чунки қалдирғоч баҳорнинг шиддатли шамоллари, момақалдиروқларини кўриши бор ва бу нарса унинг қисматида битилган. Қалдирғоч тинчлик ва тотувлик белгисидир.

Тоҳир Маликнинг ушбу асарни ёзишдан мақсади, шўро даврида юртимизда олиб борилган сиёсатни қисман бўлса-да, очиб бериш ва Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги дипломатик алоқалар қай даражада олиб борилганлиги, унда ижодкор шахсининг дипломатия соҳасидаги фаолиятини очиб бериш эди. Асарда тўқима образлар ҳам иштирок этади, шунингдек, тарихда мавжуд реал шахслар ҳам киритилади. Асардаги тўқима образлар: Афғон сарбози Ғуломқодир, Муҳиддин, Саид Ғаффорбек кабилар; Афғон амири Ҳабибуллаҳон, ўғли Омонуллаҳон, ташқи ишлар нозири Маҳмуд Тарзи, Ушинский, Миркомилбой каби тарихий шахслар.

Ёзувчи асарда деярли ҳар бир персонаж ҳаёти, тақдири, қувончи ва фожиаси воқитасида жамиятдаги кўплаб муаммоларга эътибор қаратади. Муаллиф асар бош қахрамони Асадулланинг руҳияти ва фаолиятини унинг ҳаёти давомидаги оилавий муносабатлари билан боғлиқликда талқин этиб боради. Бундан ташқари, унинг ички дунёсини, такрорланмас характерини, адолат учун, янгилик учун курашларини чинакам ҳаққонийлик ва ёрқинлик билан бадий гавдалантиради.

Муаллиф асарда яна Афғонистон ва Англия, Россия муносабатларига кенг ўрин беради. Асардаги энг ачинарли тасвир бу Асадулланинг уйи, фарзандлари ва хотинининг

¹ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: “Фан”, 2006. 75-б.

ёқиб юборилиши воқеасидир. Бу воқеа Асадулла учун умри давомидаги энг катта йўқотиларидан бири ва унинг кўз ўнгида бир умр ўчмас ёдга айланиб қолади. Асадулла тақдирнинг ушбу қисматидан ўзини йўқотиб қўймайди, балки прода, сабр билан ҳаёт зарбаларини енгади.

Асарни ўқиган китобхон гўё унинг ичидаги воқеаларда биргаликда ҳаракат қилгандек туйилади. Бу нарса ёзувчининг маҳоратини кўрсатиб беради. Авлонийнинг муҳаррирлиги остида Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг “Тарихий икки воқеа” мақоласи туфайли “Уламо” жамиятида катта жанжал кўтариллиши воқеаси асарда келтириб ўтилган. Асадулла ўшанда “Уламо” жамиятини “вабодан ҳам, ўлатдан ҳам баттар жамият”¹, деб баҳо беради.

Ёзувчи асарда халқ мақолларидан, ҳикматли сўз ва иборалардан унумли фойдаланади. Масалан:

*Кўп отган мерган эмас,
Кўп айтган чечан эмас.*

Камабағалнинг қорни тўйгани, чала бой бўлгандир, каби.

Қиссада Афғонистонга юборилган элчилик фаолияти билан биргаликда ўтган асрнинг биринчи ярмидаги халқимиз, миллатимизнинг маданияти, урф-одати қай даражада ҳалокатли, фожиали аҳволга тушиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Ёзувчи фақат афғон саёхати билан чекланмайди, балки қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбатлари чоғида ўша даврдаги оғрикли муаммоларга ишора қилиш йўлларини топади. Масалан, Асадулланинг жадидлар йўлбошчиси Мунаввар қори билан бўлган суҳбатлари бунга мисол бўлади: “Жадидчиликни ўзингизга номуносиб кўргангиздан сўнг сафимизда парокандалик бўлди, хабарингиз бор, кўп фозиллар ўзга йўл тутдилар. Йўлимиз бўлак, аммо маррамиз бир. Яъни сиз миллат дейсиз, биз ҳам. Сизнинг:

*Маризинг бир тарафдан, бир тарафдан
хорсан миллат!*

*Бадандан доимо қон олдирар беморсан –
миллат!”* –

деган сатрларингизни унутганимиз йўқ. Энди беморни даволаш вақти етди”².

Ёзувчи юқорида келтириб ўтилган миллат қайғусидаги шахслар образини яратиш билан уларнинг суҳбатларини диалог шаклида беради. Ёзувчи асарда ҳаётий ҳодиса ва кишиларни материал қилиб олади. Тохир Малик қиссада тарихий шахсларни тўқима йўли билан яратилган характерлар тақдирига чамбарчас боғлаган ҳолда тасвирлайди. Асарни ўқиган китобхон тўқима образларни шу даражада ҳаётий ва ҳаққоний, табиий қилиб яратганидан ушбу образнинг айнан ўзи ҳаётда бор, деб ўйлайди.

Асарда Афғонистоннинг Англия ва Россия ўртасида талаш бўлиб турган бир давлат эканлиги, вазият анча қалтис эканлиги тасвирланади. Бу икки буюк давлат ўртасидаги сиёсий жараён Ўрта Осиё халқларининг тақдири қай томонга бурилишини билдиради. Асарни ўқиган ўқувчи XX аср бошларидаги нафакат юртимиз, балки қудратли Англия ва Россия, Афғонистон тарихини биров бўлса-да билгандек бўлади ва шу даврга тушиб қолгандек ҳис қилади. Шундай асар ёзиш учун, албатта, ёзувчидан пухта билим ва изланиш талаб қилинади.

Асадулла Кобулга борганда ташқи ишлар ноziри Маҳмуд Тарзи билан қилган суҳбатида юртни қоронғулик, зулматдан чиқариб, халқни илмли қилиш масаласини ўртага ташлайди. Асадулла Туркистонда ёшларни илмга тортиш мақсадида кўп ишлар қилинганлигини ва дорилфунунлар очилганлигини айтиб, Афғонистонда ҳам шундай мактабларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлайди.

Асарнинг бош ғояси миллатнинг саодати, давлатларнинг тинчлиги, ёшларнинг

¹ Малик Тохир. Қалдирғоч. –Т.: “Шарқ”, 2005. 98-б.

² Малик Тохир. Қалдирғоч. –Т.: “Шарқ”, 2005. 106-б.

тарбияси билан боғлиқ жиҳатларни ёритишдан иборатдир. Авлоний “Афгон саёҳати” кундалигида илмсиз ва тарбиясиз, янгиликлардан беҳабар мусулмон фарзандлари Ўрта Осиёда эмас, бутун Туркистон ўлкаларида борлигини таъкидлаб ўтади. Бундан ташқари, Авлоний Туркистонда иш бошида турган рус бошлиқларининг оддий халқ аҳволини кўра билдириб назар-писанд этмаслигидан куйинади. Авлоний ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан бири эканлигини ва унинг дарди билан яшамок, унинг бахтидан қувонмок, у билан фахрланмок керак дейди. “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдир”¹, – деб ёзади адиб.

Тоҳир Малик қиссада Авлонийнинг прототипини яратишда унинг жамият ҳаётидаги роли, ўрнини тарихий ҳақиқатга мос равишда бузмасдан, ҳаққоний тасвирлайди. Прототипга суяниш ёзувчиларнинг ижодий тажрибасида жуда кўп учрайди. Масалан, Горькийнинг “Она” романидаги Павел образига революционер ишчи Заломовнинг асос бўлгани машҳурдир. Прототип адабиётшуносликда бадиий образни юзага келтиришда негиз, асос, бош йўналиш нуқта, пойдевор сифатида хизмат қилувчи реал шахс (ҳаётда бўлган тарихий шахс) маъносида қўлланилади.

Ёзувчи “Қалдирғоч” қиссасида ижодкор шахс образини мароқ билан яратган десак, адашмаган бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи қиссада образлар воситасида асар моҳиятини кенг кўламда ифодалаб беради. Муаллиф асар қаҳрамонларининг ўзаро суҳбатларида ўша давр муаммоларига эътибор қаратиш йўлидан боради. Ёзувчи, шунингдек, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Бедил, Робиндранат Тагор шеърлари, ҳикматлари, эълон қилинмаган хотираларидан ҳам фойдаланади. Адиб ушбу асар воқеалари, ундаги қаҳрамонларни ўқувчига тушунарли қилиб тас-

вирлайди. Муаллиф нутқи бадиий асар қурилишида асосий ўринни эгаллайди. У барча асарларнинг ҳикояси, ҳар бир персонажнинг ўрнини, ўй-кечинмаларини, фикр-мулоҳазаларини, ҳаракатлантирувчи муҳитнинг шарт-шароитларини, муомала-муносабатларини таъриф-тавсифлаш, кўрсатиш орқали – ҳаммасини бир мақсадга – асарда ифодаланаётган фикр-ғояни рўёбга чиқариш учун ҳаракатга келтиради. “Қалдирғоч” қиссасида ҳам Тоҳир Малик воқеаларни бор мураккаблиги, икир-чикирларигача батафсил тасвирлайди.



¹ Авлоний А. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: “Маънавият”, 1998. 35-б.